



THE ACTUAL PROBLEMS OF FILOLOGY

MATERIALS
of the international scientific
conference



vositalaridan foydalanish uchun talab va vaziyat, ehtiyoj yaratish zarur. Ertaklarda keltirilgan maqollar ustida ishlash, ularda ilgari surilayotgan g'oyalarni bolalar ongiga yetkazish, yod oldirish yo'li bilan bog'lanishli nutqni o'stirish, nutqning ta'sirchanligini oshirish lozim.

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich sinf o'quvchilarini xalq og'zaki ijodi orqali milliy ruhda tarbiyalash, milliy qadriyatlarimizni, ma'naviy me'rosimizni o'quvchilarga xalq og'zaki ijodidagi janrlar orqali tushintirib berish lozim. Boshlang'ich sinf o'qish darslariga qo'yiladigan talablarimizdan eng muhimi bu o'quvchilarni ma'naviy barkamol shaxs qilib tarbiyalashdan iborat.

Adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. "Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz" B 14 "O'zbekiston" Toshkent 2016.
2. Matchanov.S, Bakiyeva.H, G'ulomova.X, Yo'ldoshev.Sh, Xolboyeva.G "Ona tili va uni o'qitish metodikasi" darslik "Ishonchli hamkor" Toshkent "2021"

МУЛОҚОТ ВА ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ

Ш. Мўминов, ФарДУ таянч докторанти

Ҳар қандай замон ва ҳар бир жамиятда инсонлар турли касб-хунар билан шуғулланиб келишади. У қандай касб ёки хунар эканлигидан қатъий назар, ундан шу танлаган соҳаси бўйича чуқур билим ва тажриба талаб қилинади. Танлаган касб-хунарнинг сир-синаотини яхши билиш, соҳа бўйича чуқур билим эгаси бўлиш, ҳамиша шу касбда эъзоз топишда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ энг муҳим жиҳати шундаки, раҳбарми, шифокорми, ўқитувчими, тадбиркор ёки маҳоратли тикувчими, аввало, юксак маънавиятни яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Зеро, учинчи ренессанс пойдеворини куриш иштиёқида бугун мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, ҳар бир раҳбардан масъулият, ҳалоллик ва садоқат билан бирга юксак маънавиятни талаб этмоқда.

Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур..." деди ва "Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир" [1] дея алоҳида таъкидлади.

Р аҳбарлик фақатгина ваколат, мансаб ёки лавозим бўлиб қолмай, балки улкан масъулиятдир. Етакчилик, ҳалоллик, самимийлик, ҳурмат-эътибор, қатъият, ишонч, камтарлик, меҳнатсеварлик ва қўл остидагиларга ғамхўрлик кабилар ҳам раҳбарнинг зарур хусусиятларидандир. Бунинг учун раҳбарлик вазифасига тайинланган ҳар қандай шахс нафақат ўз ишینی яхши билиши, балки етарли билимларга эга бўлиб, жамоасига, жамиятга ва давлатга садоқат билан хизмат қилиши, доимо халқ билан ҳамнафас яшаши керак.

Буюк рус адиби Максим Горькийнинг “Ижоднинг фақат бир фоизи истеъдод, қолган тўқсон тўққиз фоизи меҳнатдир”, – дея билдирган ва афоризмга айланиб кетган фикри бевосита раҳбарлик фаолиятига ҳам тегишли ва бу ҳар бир раҳбар фаолиятида ўз аксини топмоғи лозим.

Шоир, рассом, ҳайкалгарош ёинки хонанда бўлиш учун истеъдод керак бўлгани каби раҳбарликка ҳам Аллоҳ томонидан берилган юксак қобилият зарур. Аммо қобилияти бўла туриб, ўз устида ишламаса, меҳнат қилмаса, берилган истеъдодлар зое кетади.

Ҳар бир инсоннинг маънавий соғлигини оладиган бўлсак, бунга доимо шахснинг ўзи жавобгар ва масъулдир. Аммо, жамоага келганда бу ҳолат анча жиддий тус олади. Жамоанинг маънавий соғлигига унинг ҳар бир аъзоси жавобгар бўлишига қарамасдан, жамоанинг раҳбари, айниқса, унинг маънавий соғломлиги жиддий таъсир қилади. Шунинг учун ҳам бошқарув тизимида маънавий соғломликни кузатиш, ўрганиб бориш, жамоанинг яшаши ва меҳнат фаолиятига жиддий таъсир қилишини инобатга олиб, ҳеч қачон уни раҳбар кўздан қочирмаслиги лозим [6, 36].

Сўз мулкининг султони, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий халқ бахти ва фаровонлиги жуда кўп жиҳатдан подшоҳга, бугунги кун тили билан айтганда раҳбарга боғлиқ деб билади ва ўз асарларида бу ҳақда ғоят теран фикрларни баён қилган: “Адолатли подшоҳ ҳақ таолонинг халойиққа кўрсатган марҳаматидир: бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир” [3, 15].

Раҳбарнинг маънавияти бевосита унинг юриш-туришида, айниқса, кишилар билан бўладиган мулоқот тарзи, баён этадиган сўзида намоён бўлади. Бу ҳақда дунёнинг улуғ донишмандларидан бири Жалолиддин Румий “Инсонни танимоқчи бўлсанг, уни гапга сол: сўздан унинг ким эканлигини билиб оласан” [5, 53] дея башорат қилган бўлса, таниқли рус тилшуноси Ю. Н. Караулов “Ҳар қандай матн ортида лисоний тизимларни эгаллаган муайян шахс туради” [2, 8] деган ғояни илгари сурган.

Бунга кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, ўз вақтида Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлишдек масъулиятли лавозимда узоқ вақт фаолият олиб борган Шароф Рашидов ҳаёти бу соҳада ҳаммамизга ибрат бўлиши мумкин. Собиқ Иттифоқ даврида раҳбарлик қилган бўлишига қарамай, ўзлигини, миллий менталитетини ҳеч қачон унутмаган бу тарихий раҳбар ҳақида “...республикамиз матбуотида ҳам, турли-туман марказий нашрларда ҳам шу қадар кўп нарса ёзилдики, буларнинг бари жамланса, бутун бошли бир адабиёт бўлади. У ҳатто собиқ бир бутун мамлакат худудидан чиқиб, халқаро миқёсдаги айрим бадиий тўқималарнинг “қаҳрамонига” айланди [4, 3].

Таниқли адиб ва таржимон Асил Рашидовнинг “Акам ҳақида” номли китобида бу ҳақда қуйидагиларни ўқиймиз: “...Шароф Рашидов бировларга қарата бирон нарса улоқтириш у ёқда турсин, ҳатто овозини кўтариб муомала қиладиган ёки кўнглида кек сақлаб қовоқ уядиганлардан эмас эди. Аксинча, табиатан фариштадай бир инсон эди, доимо катта-ю кичик билан очиқ чеҳра,

илиқ табассум билан кучоқ очиб кўришарди” [4, 27]. Китобнинг бошқа саҳифасида яна куйидаги фикрлар келтирилади: “Ш. Рашидовдаги унча-мунча одамларга насиб этмаган фазилатлардан бири – инсонга ишониш, инсонни улуғлаш, икки оғиз ширин сўз билан ўз суҳбатдошини қайта кашф этгандай, сеҳрлаб, қалбини тоғдек кўтариб, илҳомлантириб юборувчи жозиба кучи эди. Бу у кишидаги ноёб фазилатлардан деб биламан...” [4, 23].

Хуллас :

- а) ҳар қандай инсоннинг, айниқса, бутун диққат-эътибори жамоани бошқаришга қаратилган раҳбарнинг кимлиги, маънавий қиёфаси унинг сўзида, мулоқотида намоён бўлади;
- б) жамиятимизда барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислохотларнинг нечоғли муваффақиятли амалга оширилиши бутун ҳар бир бўғиндаги раҳбарнинг масъулияти ва кундалиқ фаолиятига бевосита боғлиқ;
- в) бутун фаолияти Ватан тараққиёти, мамлакат келажаги, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига йўналтирилган ҳар бир раҳбар юксак маънавиятли бўлиши, бунинг учун эса мулоқот маданиятини пухта эгаллаган бўлиши лозим.

Адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
2. Караулов Ю. Н. Русская языковая личность и задача её изучения // Язык и личность. – М.: Наука, 1989. – С. 8.
3. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
4. Рашидов А. Акам ҳақида. – Тошкент: Фан, 1992.
5. Румий Ж. Ичиндаги ичиндадур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013, 53- 6.
6. Йўлдошев М., Назарзода Н. Раҳбар психологиясида ахлоқ. – Тошкент: ШАРҚ, 2010.

ҚИЁСЛАШ МУНОСАБАТИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ КАТЕГОРИЯЛАР

Ш.Дадабаева, ФарДУ таянч докторанти

Қиёслаш муносабати предметнинг сифат ва миқдорий хусусиятларини очиб берувчи сифат ва миқдор категориясига мансуб бўлиб, улар ўзаро бир – бирига боғлиқ бўлган тушунчалардир. Дастлаб, инсон тафаккурида нарса ёки ҳодисанинг сифати, кейин эса уларнинг миқдори аниқланади.⁵⁵ Қиёслаш муносабати сифат ва миқдор каби категорияларнинг синтези ҳисобланиб, у миқдор категорияси орқали қиёсланаётган объектнинг тенг ёки нотенглигини, сифат категорияси орқали ўхшаш ва ноўхшаш томонларини аниқлашга ёрдам беолади.⁵⁶ Демак, қиёслаш муносабатида сифат ушбу

⁵⁵ Болгарова.Р.М.Функционально – семантическое поле компаративности в русском и татарском языках: Дис. ... д-ра филол. наук. –10-11с

⁵⁶ Николаева А.В.Функционально- семантическое поле компаративности в современном английском языке : Дис. ... д-ра филол. наук. –ростов-на- Дону,2002.-18 с

| | |
|--|-----|
| Kh.Shokirova. Quasipragmatics is a pragmatic concept..... | 68 |
| Б.Юнусова. “Алпомиш” достонидаги асосий бадий образлар исмларининг этнолингвистик, социоллингвистик ва лингвокультурологик таҳлил..... | 70 |
| З.Йигиталиева. Овоз тембри орқали гендерологик модуснинг ифодаланиши..... | 73 |
| S.Mardonova. Harakatni ifodalab keluvchi qadimgi ingliz tilidagi holat fe'llari semantik taraqqiyoti..... | 75 |
| F.Adambayeva, M.Sh.Quramboyeva. “Biotexnologiya” atamasi ta'rifi, kelib chiqishi va rivojlanish tarixi..... | 77 |
| O.Xudayberdiyeva. Gender nazariyasi va androsentrizm..... | 79 |
| D.Xaydarova. Lingua-cultural aspects of address terms in non-relative languages..... | 82 |
| M.Kuchkarova. Ritorikaning fan sifatida yuzaga kelishi..... | 84 |
| M.Sharipov, L.Kurbanova. O'zbek tili korpusining tuzilishini loyihalash..... | 86 |
| M.Vafoyeva. Frazemalarda miqdor o'zgarishlari..... | 89 |
| Б.Дехконов, Х.Акмалжонова. Феномен литературы потерянного поколения..... | 91 |
| Н.Максудова. Фуркат ижодининг изланиш даври хусусиятлари..... | 93 |
| Ф.Маматова. Меҳмондўстлик анъанаси ва унинг инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида ўзига хос хусусиятлари..... | 96 |
| Э.Абдураззоков. А.Қодирий романларида ундов сўзларнинг қўлланилиши..... | 99 |
| D.Tog'ayeva. Shakl yasovchi qo'shimchlarida variantlilik (fe'l so'z turkumida)..... | 102 |
| Д.Турдалиева. Лингвопоэтик таҳлил усулининг шаклланиши..... | 105 |
| U.To'rayeva. Yuridik terminlarini tarjima qilish usullari tadqiqi..... | 107 |
| I.Ahmadjonov. Egalik affikslarining semantikasi va uslubiyati..... | 109 |
| Ф.Абдурахимова. Ўзбек тилида сўз ясалиши хусусида..... | 112 |
| D.Sobirova. Tibbiy reklamada intertekstuallik adresatga ta'sir etish usuli sifatida..... | 114 |
| Ф.Нурдинова. Бадий таржимада таржимон услуби (Э.Л.Войничнинг “Сўна” романинг рус ва ўзбек тиллари таржимаси мисолида)..... | 116 |
| G.Ikromova. Remarkalarning semantik tasnifiga doir (Sharof Boshbekov dramalari misolida)..... | 118 |
| N.Oxunova. Xalq og'zaki ijodi materiallarini o'qitishda interfaol ta'lim..... | 120 |
| Ш. Мўминов. Мулоқот ва замонавий раҳбар маънавияти..... | 122 |
| Ш.Дадабаева. Қиёслаш муносабатида иштирок этувчи категориялар.... | 124 |
| М.Зайниева. Глобал синтактик структура ва матн тушунчаси хусусида .. | 126 |
| Z.Rahmonova. O'qituvchining nutq malakasini oshirish..... | 130 |
| З.Маруфова. Саккокий шеърлари матнида эстетик баҳо эталонининг лисоний талқини..... | 133 |
| А.Юлдашев. Сўз баҳси ҳақида сўз..... | 136 |
| Н.Алламбергенова. Ш.Сейитов асарларида “нутқ” маъноли | |